



## ИЖРО ҲАРАКАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА МОЛ-МУЛКНИ ХАТЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ

Холбоев Элбек Акмал ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси,  
магистратура босқичи: прокурорлик фаолияти йўналиши  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.18722627>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 15-fevral 2026 yil  
Ma'qullandi: 18-fevral 2026 yil  
Nashr qilindi: 21-fevral 2026 yil

### KEYWORDS

мол-мулкни хатлаш, ижро иши юритуви, давлат ижрочиси, суд ҳужжатлари, даврони таъминлаш, мутаносиблик тамойили, реализация ва бошқалар.

### ABSTRACT

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қарздорнинг мол-мулкни хатлаш институтининг ҳуқуқий асослари, уни қўллаш тартиби ва босқичлари таҳлил қилинган. Мол-мулкни хатлаш даврони таъминлаш ва суд ҳужжатларини ижро этишда муҳим процессуал чора сифатида ўрганилган. Шунингдек, давлат ижрочисининг ваколатлари, мутаносиблик тамойили, хатланган мол-мулкни сақлаш ва реализация қилишдаги амалиётдаги муаммолар ёритилган. Муаллиф томонидан амалдаги тизимни такомиллаштириш зарурати асослантилган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг, яъни 1991 йил 30 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VII сессиясида “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”<sup>1</sup>ни ратификация қилган бўлиб, Декларациянинг 17-моддаси 2-қисмига кўра **ҳеч ким зўравонлик билан ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмас**. Мулк дахлсиздир ва қонун билан қўриқланади. Мулкнинг дахлсизлиги мулкдорга қарши турган барча субъектларнинг мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини сақлашларидан иборатдир. Мулкдорнинг мол-мулкни олиб қўйишга, шунингдек унинг ҳуқуқларини чеклашга фақат қонунларда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади<sup>2</sup>.

**Фуқаролик кодексининг 2-моддасида** мулкнинг дахлсизлиги фуқаролик қонунчилигининг асосий асосларидан бири сифатида эътироф этилган. Кодекснинг 166-моддасида эса **мулк қонун билан муҳофаза қилиниши**, мулк ҳуқуқига қарши ҳар қандай ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги ҳамда мулкдорнинг мол-мулкни олиб қўйиш ёки унинг ҳуқуқларини чеклаш фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардагина мумкинлиги қатъий белгилаб қўйилган.

<sup>1</sup> [Электрон манба] URL: <http://mustaqillik.uz/ru/events/view/83> (мурожаат вақти 01.07.2022).

<sup>2</sup> Муаллифлар жамоаси. Кўчмас мулк ва мулк ҳуқуқи/Амалий қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К.Камиловнинг умумий раҳбарлиги остида. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2017. -12 бет

Мол-мулкни хатлаш эса, асосан, **даъвони таъминлаш** ёки **суд ҳужжатларини ижро этиш мақсадида** қўлланилади. Бу чора Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекс ҳамда “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун нормаларига асосланади.

Аввало, қарздорнинг мол-мулкни хатлаш ҳақида сўз юритганда, унинг икки томонлама табиатини таъкидлаш лозим. Ижро иши юритиш тўғрисидаги қонунчиликка кўра, бир томондан, қарздорнинг мол-мулкни хатлаш мустақил мажбурий ижро чораси сифатида намоён бўлиши мумкин. Бошқа томондан эса, хатлаш бирон-бир мажбурий ижро чорасининг таркибий қисми бўлмаган, бироқ мажбурий ижро чораларини қўллаш учун шароит яратишга қаратилган ижро ҳаракати сифатида ҳам кўрилади. Шунингдек, **И.Н.Спитсин**<sup>3</sup> ҳам қарздорнинг мол-мулкни хатлашнинг икки ёқлама хусусияти ҳақида фикр билдирган: хатлаш чоралари қарздорнинг мол-мулкни ҳимоя қилиш ва унинг тасарруфини чеклаш мақсадида ижро ҳаракатлари давомида қўлланиладиган механизмлардан бири ҳисобланади.

**Н.А. Винниченко** ва **А.Ф. Смирновлар**нинг таъкидлашича, «қарздордан мол-мулкни олиб кўйиш» қарздорнинг мол-мулкни хатлашнинг таркибий қисми сифатида ҳам, мажбурий ижро чораси - ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратишнинг таркибий қисми сифатида ҳам кўриб чиқилиши мумкин.<sup>4</sup>

**Г.О.Беланова** фикрича, “мол-мулкни хатлаш ушбу мулкни тасарруф этишни тақиқлашда ифодаланади. Айрим ҳолларда бундай чоралар янада қаттиқроқ бўлиб, хатланган мулкдан фойдаланиш ёки уни олишни ҳам тақиқлашни назарда тутати”<sup>5</sup>. **В. А. Гуреева, С. В. Сазановалар** эса, мулкни хатлаш деганда, “суд пристави-ижрочиси томонидан қарздорнинг мулкига нисбатан ижро варақаси ижросини таъминлашга қаратилган ҳамда мулкдорни унга қарашли мулкни тасарруф этишини чеклайдиган бир қанча процессуал ҳаракатлар йиғиндиси”<sup>6</sup> эканлигини таъкидлашади. Ушбу таърифлар, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини таъминлашда давлат ижрочилари (мамлакатимизда мажбурий ижро бюроси ходимлари – давлат ижрочилари) фаолиятига боғлиқ ҳолда ўрганилганлигидан келиб чиққан хулосалар асосида шакллантирилганлигини таъкидлаш жоиз.

Жумладан, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 53-моддасига кўра хатлаш қуйидаги ҳолларда қўлланилиши белгилаб қўйилган:

- 1) **ундирувчига олиб бериладиган ёки реализация қилинадиган қарздорнинг мол-мулки сақланишини таъминлаш мақсадида;**
- 2) **жавобгарга тегишли бўлиб, унинг ўзида ёки бошқа шахсларда турган мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги суд ажрими ижро этилаётганда**<sup>7</sup>.

<sup>3</sup> Спицин И.Н. Арест и принцип соотносимости требований взыскателя и мер принудительного исполнения // Вестник исполнительного производства. 2016. № 1.

<sup>4</sup> Винниченко Н.А., Смирнов А.Ф. Комментарий к Федеральному закону "Об исполнительном производстве" от 2 октября 2007 г. N 229-ФЗ // Юрайт. 2009.

<sup>5</sup> Беланова Г.О. Арест и оценка имущества должника // Закон и право. 2019. №4. С. 81

<sup>6</sup> Настольная книга судебного пристава-исполнителя: учебно-практическое пособие / под ред. В. А. Гуреева, С.В. Сазанова. М.: Статут, 2013. С. 265

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуни <https://lex.uz/docs/26477#27856>

Мазкур қонунга кўра арздорнинг мол-мулкни хатлаш мол-мулкни рўйхатга олишдан, уни тасарруф қилиш ман этилганлигини эълон қилишдан, зарур ҳолларда эса, мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини чеклашдан, уни олиб қўйиш ёки сақлашга топширишдан иборатдир. Чеклашнинг турлари, ҳажми ва муддатларини ҳар бир муайян ҳолда мол-мулкнинг хусусиятини, унинг мулкдори ёки эгаси учун аҳамиятини ҳисобга олиб, давлат ижрочиси белгилайди.

Бу тартибнинг мақсади - қарздорга қарзни ихтиёрий равишда тўлаш учун етарли вақт бериш билан бир қаторда, унга мол-мулкни яшириш ёки бошқа шахсларга ўтказиб юбориш учун имкон бермасликдан иборат. Бундан ташқари, қарздорга бир ойлик муддатда ўз молиявий ҳолатини тартибга солиш ва ундирувчининг талабларини қондириш учун етарли имконият яратади.

Шунингдек, қарздорнинг мол-мулкни ижро иши юритишни кўзғатиш тўғрисидаги қарор қарздорга топширилган кундан эътиборан **бир ой муддатдан кечиктирмай**, зарур ҳолларда эса, **уни топшириш билан бир вақтда хатланади**.

Келтириб ўтилган **“Зарур ҳоллар”** деганда қуйидаги ҳолатлар тушунилиши мумкин:

\* қарздор мол-мулкни **яшириш** ёки унинг **қийматини камайтиришга** уриниши ҳолатлари: Агар давлат ижрочисидан қарздор ўз мол-мулкни яшириш, сотиш, гаровга қўйиш ёки бошқа йўллар билан унинг қийматини камайтиришга уриниши ҳақида асосли шубҳалар бўлса, мол-мулкни зудлик билан хатлаш чоралари кўрилиши мумкин. Бундай шубҳалар қарздорнинг хатти-ҳаракатлари, учинчи шахслардан олинган маълумотлар ёки бошқа ишончли манбалар асосида юзага келиши мумкин.

\* қарздорнинг мол-мулкни яшириш **нобуд қилиш эҳтимоли мавжудлиги**: Агар қарздор Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига қочиб кетиш ва ўз мол-мулкни олиб кетишга уриниши эҳтимоли мавжуд бўлса, мол-мулкни зудлик билан хатлаш чоралари кўрилиши мумкин.

\* **ундирувчининг манфаатларига жиддий зарар етиши хавфи**: Агар мол-мулкни бир ойлик муддат ўтгандан кейин хатлаш ундирувчининг манфаатларига жиддий зарар етказиши мумкин бўлса (масалан, тез бузиладиган маҳсулотлар, қиймати тез пасаядиган мол-мулк), мол-мулкни зудлик билан хатлаш чоралари кўрилиши мумкин.

Шунга қарамай, давлат ижрочиси мутаносиблик қоидаларига амал қилиши шарт. Бу вазиятда, мол-мулкни хатлаш ундирувчининг талаблари ҳажмига мос бўлиши кераклигини англатади. Ҳозирги кунда қонунчиликда ҳам, суд амалиётида ҳам мутаносиблик мезонлари аниқ белгиланмаган. Бундан ташқари, гап фақат миқдорий мезонлар (мулк қиймати маълум бўлганда) ҳақида эмас, балки сифат мезонлари ҳақида ҳам бормоқда.

Хусусан, **хатланган мол-мулкнинг қиймати** кейинчалик ундирув қаратилиши мумкин бўлган бошқа мол-мулк мавжудлиги туфайли ижро ҳужжатидаги қарз миқдоридан бир неча баробар ошиб кетган ҳолларда, бу номутаносиб деб ҳисобланади.

Шу билан бирга, агар қарздор ўзи ундирув қаратилиши мумкин бўлган маълум бир мол-мулкни борлигини хабар қилмаган бўлса, талаблар ҳажмидан ортиқ қийматдаги мол-мулкни хатлашга йўл қўйилади ҳамда Қонунда қарздор мол-мулкнинг қиймати

суд ҳужжати талаблари ҳажмидан қанча марта ортиқ бўлиши мумкинлигини белгиловчи талаблар мавжуд эмас.

Шунингдек, бундай мол-мулкни хатлашга қуйидаги ҳолларда ҳам рухсат берилади: суд томонидан қабул қилинган қарздорнинг мулкни хатлаш тўғрисидаги ажрими асосида, қарздорнинг мулки ёки бошқа шахсларда сақланадиган мулкнинг тасарруф этилиши чекланади. Бундай чора ундирувчининг талабларини мажбурий равишда таъминлаш ва қарздорнинг мулкни ҳимоя қилиш мақсадида қабул қилинади. Давлат ижрочиси мулкнинг хусусияти, унинг иқтисодий аҳамияти ва мулкдорлик муносабатларини инобатга олган ҳолда чеклаш тури, ҳажми ва муддатларини белгилайди.

Ижро ҳужжатлари бўйича хатланган мол-мулкни олиб қўйиш, реализация қилиш учун топшириш давлат ижрочиси томонидан белгиланган, хатлангандан кейин камида уч иш кунидан сўнг амалга оширилиши белгиланган.

Мажбурий ижро ҳаракатлари давомида давлат ижрочиси томонидан муайян ижро иши юритиш ҳолатларидан келиб чиқиб, мол-мулкни хатлаш билан бир вақтда ушбу мол-мулкни ёки унинг айрим ашёларини олиб қўйишга ҳақли, бунда олиб қўйилган тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа ашёлар дарҳол реализация қилиш учун топширилиши шарт.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонуннинг **53<sup>1</sup>-моддаси**да *қимматли қоғозларни хатлаш тартиби* белгиланган бўлиб, унга асосан ҳужжатли қимматли қоғозлар уларнинг турган жойи бўйича хатланади. ҳужжатсиз қимматли қоғозлар ушбу қоғозлар эгасининг ҳуқуқлари рўйхатга олинган жой бўйича хатланиши белгиланган.

Бундан ташқари, қимматли қоғозлар давлат ижрочисининг қарори асосида хатланади. Ҳужжатли қимматли қоғозлар хатланганда, давлат ижрочиси хатлов далолатномасини тўлдириб имзолатади.

Қарздорга тегишли бўлган қимматли қоғозларни хатлаш қарздорнинг ушбу қимматли қоғозларни тасарруф этишини ва улар бўйича ўтказмаларни амалга оширишини тақиқлайди. Бундан ташқари, агар давлат ижрочиси қимматли қоғозлардан келадиган даромадлар ёки бошқа ҳуқуқларни чеклашни лозим топса, бу чекловлар хатлаш тўғрисидаги қарорда аниқ кўрсатилиши керак.

**Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни сақлаш тартиби** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сон қарори билан белгиланган бўлиб, унга мувофиқ, бундай мол-мулк ваколатли орган мансабдор шахси томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда ва асосларда олиб қўйилади.<sup>8</sup>

Олиб қўйилган мол-мулк ваколатли шахс томонидан расмийлаштириладиган протокол асосида ҳужжатлаштирилади, унда олиб қўйишнинг вақти, жойи, ваколатли шахс ва мол-мулк эгаси ҳақидаги маълумотлар, ҳуқуқбузарлик мазмуни, тегишли норматив ҳужжатлар, ҳуқуқбузарнинг тушунтириши ҳамда мол-мулкнинг тўлиқ

<sup>8</sup> Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 15.07.2009 йилдаги 200-сон. <https://lex.uz/docs/1498826>

тавсифи ва сақланиш тартиби кўрсатилади. Протоколда барча зарур маълумотлар тўғри акс эттирилиши учун ваколатли орган мансабдор шахси жавобгар ҳисобланади.

Амалиётда хатлаш ва мусодара қилиш ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан хатланган мол-мулкларни сақлаш ва бошқаришнинг яхлит тизими мавжуд эмаслиги кузатилмоқда. Хусусан, мулкларни сақлаш шароитларининг талабга жавоб бермаслиги, шунингдек, фаолият юритаётган корхоналар (фирма, завод, меҳмонхона кабилар)ни бошқаришнинг аниқ механизми, ваколатли бошқарув органи ёки ташкилотининг мавжуд эмаслиги оқибатида хатланган активлар узоқ муддат давомида тегишли назоратсиз ва қаровсиз қолиб келмоқда. Мазкур ҳолат мол-мулкнинг сифат кўрсаткичлари, қиймати ва ташқи кўринишининг деградациясига, кейинчалик бозор нархининг пасайишига ва реализация қилиш имкониятларининг чекланишига олиб келмоқда. Агар хатланган мол-мулк тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлса, уларнинг активларининг бозор қиймати кескин пасайиши ёки иқтисодий ночорлик (банкротлик) ҳолатига дуч келиши эҳтимоли юқори.

Жавлат ижрочиси томонидан **хатлаш ҳаракати қўйидаги кетма кетликда амага оширилади:**

**Биринчидан**, хилаш назарда тутилган суд ажрими ёки ҳужжати, шунингдек, бошқа турдаги ижро ҳужжатлари давлат ижрочисига келиб тушгач, у ижро **иши кўзғатиш тўғрисида қарор чиқаради**. Қонуннинг 23-моддасида давлат ижрочиси ижро ҳужжатини олган пайтдан эътиборан талабларга мувофиқ бўлса **бир иш куни ичида** ижро иши юритишни кўзғатиш тўғрисида қарор чиқаради.

**Иккинчидан**, зарур ҳолларда ижро иши кўзғатиш билан бир вақтда **мол-мулкни хатлаш** ҳақида алоҳида қарор қабул қилинади.

**Учинчидан**, давлат ижрочиси қарздорга тегишли бўлган мол-мулк ва пул маблағларини аниқлаш мақсадида тегишли ташкилотларга (банк, кадастр, ДЙХХХ ва ҳ.к.) **сўров юборади**.

**Тўртинчидан**, давлат ижрочиси томонидан мол-мулк турига қараб:

*Давлат рўйхатидан ўтадиган мол-мулк* (уй-жой, ер участкаси, транспорт воситалари) бўйича тегишли рўйхатга олувчи органларга қарор юборилиб, **тасарруф қилиш тақиқланади**.

*Рўйхатдан ўтмайдиган мол-мулк* (маиший буюмлар, қимматбаҳо ашёлар) бўйича мол-мулкни **рўйхатга олиш ва хатлаш далолатномаси тузилади**.

Давлат ижрочисининг қимматли қоғозлар хатланганлиги тўғрисидаги қарорида ёки далолатномасида хатланган қимматли қоғозларнинг умумий сони, уларнинг тури ва қимматли қоғозлар эмитентлари тўғрисидаги маълумотлар, қимматли қоғозлар чиқарилган сана (акциялар бундан мустасно), уларни идентификация қилиш, шунингдек қимматли қоғозларнинг қарздорга тегишлилигини аниқлаш имконини берувчи бошқа маълумотлар кўрсатилади.

**Бешинчидан**, мол-мулкни сақлаш масаласини ҳал этиши керак. Хатланган мол-мулк, қоида тариқасида, қарздорнинг ўзига ёки бошқа сақловчига топширилади. Агар мол-мулкдан фойдаланиш унинг сақланишига хавф туғдирса, давлат ижрочиси уни олиб қўйиши мумкин.

**Олтинчидан**, томонларни хабардор қилиш. Давлат ижрочисининг қарорлари қарздорга, ундирувчига ва тегишли қарор чиқарилган органларга етказилади.

**Еттинчидан**, қарздорнинг хатланган мол-мулкни реализация қилиш, агар қонунчиликда бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, хатлаш асослари ва мол-мулк турларидан қатъи назар, **хатланган кундан эътиборан икки ой ичида** уни сотиш орқали амалга оширилади, қонунга мувофиқ муомаладан чиқарилган мол-мулк бундан мустасно.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, қарздорнинг мол-мулкни хатлаш институти ундирувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим процессуал кафолат сифатида хизмат қилади. Амалдаги қонунчиликда хатлашнинг асослари, тартиби ва босқичлари белгиланган бўлса-да, мутаносиблик мезонларининг аниқ ифодаланмагани айрим ҳолларда ҳуқуқий баҳсларга сабаб бўлмоқда. Давлат ижрочиси томонидан мол-мулкни хатлашда унинг хусусияти, иқтисодий аҳамияти ва қарз миқдори ўртасидаги мувозанат сақланиши лозим. Шу билан бирга, хатланган мол-мулкни сақлаш ва бошқаришнинг самарали тизими мавжуд эмаслиги амалиётда жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу эса хатланган активлар қийматининг пасайишига ва ижро жараёни самарадорлигининг камайишига олиб келади. Шу боис, мол-мулкни хатлаш ва уни бошқариш механизмларини янада такомиллаштириш долзарб ҳисобланади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, қарздорнинг мол-мулкни хатлаш институти такомиллаштириш бўйича қуйидаги илмий-амалий **таклифларни** илгари суриш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 200-сон Қарорида хатлаш тартибларини белгилаш ҳамда Қарор матнида учрайдиган барча “олиб қўйиш” атамаларидан кейин “, хатлаш,” иборасини қўшимча равишда киритиш, шунингдек, “олиб қўйган” сўзларини “ёки хатланган” ибораси билан бойитиш таклиф этилади. Ушбу ёндашув Қарор мазмунини кенгайтириш ҳамда амалда қўлланилаётган мол-мулкни хатлаш институти тўлиқ қамраб олишга хизмат қилади.

2. Мол-мулкни хатлашда ундирув суммаси билан хатланаётган мол-мулк қиймати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш учун қонунчиликда аниқ мезонлар (қиймат, тур, ижтимоий аҳамият) белгилаш мақсадга мувофиқ. Бу қарздор ҳуқуқларининг асоссиз чекланишининг олдини олади.

Мол-мулкни хатлаш, баҳолаш, сақлаш ва реализация қилиш босқичларини электрон платформа орқали амалга ошириш шаффофликни оширади, коррупциявий хавфларни камайтиради ҳамда ижро жараёни самарадорлигини таъминлайди.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145#6445552>
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. <https://lex.uz/docs/97664#200658>
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 08.08.2025 йилдаги ЎРҚ-1080-сон Қонуни <https://lex.uz/docs/-7675869#-7680096>

4.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июльдаги “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 200-сон Қарори <https://lex.uz/docs/-1498826#-1498890>[Электрон манба] URL: <http://mustaqillik.uz/ru/events/view/83> (мурожаат вақти 01.07.2022).

5.Муаллифлар жамоаси. Кўчмас мулк ва мулк ҳуқуқи/Амалий қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К.Қамиловнинг умумий раҳбарлиги остида. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2017. -12 бет

5.Спицин И.Н. Арест и принцип соотносимости требований взыскателя и мер принудительного исполнения // Вестник исполнительного производства. 2016. № 1.

6.Винниченко Н.А., Смирнов А.Ф. Комментарий к Федеральному закону "Об исполнительном производстве" от 2 октября 2007 г. N 229-ФЗ // Юрайт. 2009.

Беланова Г.О. Арест и оценка имущества должника // Закон и право. 2019. №4. С. 81.

Настольная книга судебного пристава-исполнителя: учебно-практическое пособие / под ред. В. А. Гуреева, С.В. Сазанова. М.: Статут, 2013. С. 265

